

ПАРВОЗ

[Боши 3-бетда].
Кейингисини кучлироқ бўлди. Бобир хинд ерми забт этди, Мукаррама хоним эса гоят нафис санъат билан хиндлар қалбини эритди. Бу ҳаммага ҳам муассар бўлавермайдими.

Хўжа Аҳмад АББОС,
машҳур хинд адаби ва кинодраматурги.

1965 йил, январь.
«...Баҳор» оркестри куй чала бошлаш билан хинд аудиториясининг совет Эрта Осмис ва Хиндистон музика маданиятлари бир-бирига қалчалли яқинлигини ташвиқ олиш учун бирор секунд ҳам эртқалчи қиларди».

«Мейла» газетасининг тақризчиси АТРИ. 1967 йил.

«Баҳор» ансамбли ҳақида бундай илик самимий қалб сўзларини қўйлаб мисолга келтириш мумкин. Зотан, ансамбль санъаткорлари йилнинг тўққиз ойини турли ўлка ва мамлакатларга сафар билан ўтказишди. Ансамблининг жомона қизлари, моҳир созанда йигитлари халқимизнинг нафис ва жозибали куй ҳамда қўшиқлари, тўзал рақслари билан қардош республикалар томошбинлари, чунончи, жуда кўп жаҳон халқларининг қалбини неча бор асир эттиган. Дарҳақиқат «Баҳор» борган ерда доим сўлим баҳор набриси уфурди, концерт заллари чинакам санъат байрами ошенинга айланиб кетарди. Товусдек товланиб, гул фасли чаппар уради.

Бахтиёр Алиев ана шундай баҳор байрамларининг иштирокчиси ва жоноқар ташкилотчиларидандир. У ансамблининг жаҳон иқисодидаги шўх ретига ўзининг муносиб улушини қўшиб келайтир.

Навоқирон бастакор 1966 йилдан буюн «Баҳор» оркестрига раҳбар. Шу давр мобайнида у Мукаррама Турғунбоева билан бамаслаҳат қанақадан-қана рақсларга куй басталади, қанақадан-қана дилрабо куй ва қўшиқлар яратди. Зотан, музика — санъатнинг қалби. Созандалар эса айнан шу қалбни ҳаракатга келтирувчи ҳаёт томиларидир. Маълумки, ансамбль созандалари хусусида сўз

барар экан, машҳур доирачи, СССР Давлат мукофоти лауреати Қаҳрамон Давлати тилга олмасдан иложимиз йўқ. У «Баҳор» осмонидagi ёрқин юлдузлардан бири. Шуниси қизиқки, Қаҳрамон Давлат билан Бахтиёр Алиевнинг ижод йўллари бирга тугашиб кетган. Улар ёшлиқдан бирга ўсишди, бирга ўқишди, доимо бирга ишлаб келишди. Хатто уларнинг уйлари ҳам ёнма-ён. Худди ижод бобиди эгизакларга ўхшашиди.

Бахтиёр Алиев камтар, камсукум йигит. Ўзи ҳақида жуда кам сўзлайди. Кўпроқ устозлари ҳақидаги мавзуга минбар беради. Халқимиз қалбига сингиб кетган санъаткорлар Аҳмадон Одилов, Фозилхон Хайратов, Фахриддин Содиқовлар номини ҳурмат билан тилга олади.

— Мени музика оламига етаклаган устозларим — дейди у, — менига қанот этганлар шунлар.

Фақат ўрганишнинг ўзига ижодда камлик қилар экан. Бошқа санъаткорлар билан ҳамкорликда ишлаш, бевосита ўз ижоди инъикосини кўриб туриш баракали ижод, бой илҳом манбаси эканини Бахтиёр Алиев ўзи таъбириасидан айтиб бериб ўтди. Саҳнада юлдузи Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова, Исхор Оқилов, Тавароҳоним, Кундуз Мирқаримова, Эргаш Ўйлашов ва бошқа жуда мўл таълиқ санъаткорлар билан ҳамкорликда қалам тебратди, ажойиб куй қўшиқлар яратди. Қанақадан-қана янги рақс ва қўшиқларга куй басталади.

Бастакор ижоди ўта халқчил. Шунинг учун ҳам у яратган куй ва қўшиқлар халқимизга тушунарли ва қалбларини ўзига тезда ром этади. «Шўх парис», «Куйдирия фироғини», «Сенсиз», «Яхши», «Гулдастга» каби ашулалар халқимиз бисотига айланиб қолди. Хатто «Сенсиз» кўшиғи Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи даражали мукофотини олишга сазовор бўлди.

«Баҳор нашъаси», «Оқ олтин ваълиси», «Бадаҳшон қизи», «Интизор», «Табассум» сингари кўпгина куйлар айни ижодий куч-қувватга тўлган.

яни юксак парвозларга бел боғлаган Бахтиёр Алиев ижодига мансуб. Шу кўтул кўнларда бастакор Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли ярим асрлик тўйига ажойиб совғалар ҳозирламоқда. «Она ер» хореографик композицияси, «Тўй бутуни», «Ўзбекистон» қўшиқларига басталаган куйлари катта тўйга унинг дастлабки тўнеларидир. Бахтиёр Алиев улус сана кунгача яна бир қанча қўшиқлар ва рақсларга куй басталаш ниятида. Бахтиёр Алиев янги қўшиқ яратадими, янги куй басталайдими ва у қанси жанрда бўлишдан қатъий назар ҳамма вақт ишга меҳр-муҳаббат, сабот билан ёндашди. Ўз эзу иятини ширин оруз-хулдирини, танлаган гўзал мавзусини ранг-баранг турли оҳанглар орқали талқин этишга, уни халқ қалбига етказишга ва мансур этишга интилади. Бастакор ижодининг жо-зибаси ва таъсир кучи ҳам шунда.

Ўз санъати билан эл қалбига кирган Бахтиёр Алиевнинг хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб келмоқда. У икки марта «Маданият ходими аълочиси» деган номга сазовор бўлди. Бултур СССР Давлат мукофоти лауреати бўлган бўлса, бу ил «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артисти» унвонига мушарраф бўлди. Чунончи, 1967 йили Ўзбекистонда ўтган Ўзбекистон адабиёт ва санъати декадаси да яхши хизматлари учун Эстония Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини олиб қайтган бўлса, ўтган йили Болгарияда бўлган дунё халқлари фольклор музикаси фестивалида иштирок этиб, фестивал лауреати бўлиб қайтди.

Бахтиёр Алиев оиласи чинакам санъаткорлар оиласи. Унинг умр йўлдоши Қаромат Алиева балетмейстер. Шириншакер қизлари Гулбаҳор ва Дурдона музика мактабига таълим олишди.

Бахтиёр Алиев моҳир бастакорига бўлиб қолмай, актив жамоатчи ҳамдир. У «Баҳор» ансамблида бир қанча вақт комсомол ташкилотининг секретари, маҳаллий комитет раиси бўлиб ишлади. 1967 йилдан буюн эса коллектив бошланғич партия ташкилотининг секретаридир.

«Баҳор» яқиндагина гастролдан қайтди. Ансамбль ҳамон Кавказ, Севастополь бўйлаб сафарлар таассуроти билан ишмоқда. Москвадаги Свездлар саройидаги катта концерт билан гастролга яқин ясалди.

«Баҳор» коллективи ҳозир дам олмоқда, бироқ ҳақиқий санъаткорлар ва ижодкорлар ҳамиша иш билан ижод билан банд. Бахтиёр Алиев шу ҳордиқ даврида янги асарлар устида ишмоқда. Янги-янги режиссёр камол топишмоқда. Зотан унинг елосида катта масъулият бор. У ана шу масъулият ва бурчини ўтамоғи, бутун имкониятини халқимиз санъатига бағишламоғи даркор. Чунки партия ва ҳукуматимиз унинг хизматларини муносиб тақдирлаб келатган экан, севимли бастакоримиз ҳам бундан кейинги ижодий фаолияти билан партия ва ҳукуматимиз, халқимиз ишончини оқлаши лозим. Ўйлаймизки, Бахтиёр Алиев янги парвозлар сари талонишдан толмайди. Биз унга юксак парвоз тилаймиз.

Н. ҲИМАТҲАЛЛОВ,
Э. МУХАМЕДОВ.



© МОЛДАВИЯ ССР пойтахти — Кишинев шаҳри. Галага майдон.
В. Садчиков фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

КАРПАТ ВА ҚОРА ДЕНГИЗ ЎРТАСИДА

Бутун Молдавия Совет Социалистик Республикасининг пойтахти Кишинев гитлер босқинчилардан озод этилган кунга 30 йил тўлади. Кишиневнинг душмандан тозаланиши Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Армияси томонидан амалга оширилган вилрек стратегик операциялардан бири — Ясси—Кишинев операциясининг муҳим натижаси бўлди. Бу операция ниятсизга етказилган, немис-фашист қўшнларининг жуда катта гуруҳи парокка бўлиб қолди. Руминия ва Болгария ҳам озод бўлиб, урушдан чиқди. Бу ҳол 1944 йилдаги уруш кампаниясига катта таъсир этибгина қолмай, умуман иккинчи жаҳон урушининг якунига ҳам таъсир этди.

1944 йил августга келиб гитлерчилар Карпат тоғлари, Молдавия тепаликларига ва Бессарабия тоғлари ёқасида кучли ва чуқур эшелонли муҳофаа чизигини вужудга келтирган эдилар. Душманининг «Жанубий Украина» армия гуруҳисига катта кучга эга эди. У 643 миң жангчи, 7600 дан ортиқ тўп ва миномет, 400 дан ортиқ танк ва штурм қуролилари ҳамда 800 дан ортиқ самолётга эга эди. Немис-фашист дивизияларининг асосий кучлари Кишинев яқинида турарди. Бундан ташқари қанотларда румин қўшнлари жойлашган эди.

20 август эрта тонгда 2 ва 3-Украина фронтлари шиддатли хужумга ўтдилар. Иккита ҳаво армиясининг авиацияси ҳам ерданга келди. Дастлабки икки кун ичида душманининг мустаҳкам муҳофаа системаси ёриб ўтди. 24 августда Ясси-Кишинев гуруҳи парокка теварагиди халқа ўраб олindi. 18 та душман дивизияси ҳамда унга ёрдам бериб турган қўшн кучлар ўрдада қолди. Ясси—Кишинев операциясида қатнашган матонатли совет қўшнлари сафида Ўзбекистондан борган кўпгина жангчилар ҳам ажойиб мардлик намуналарини кўрсатдилар.

МАОРИФ ХОДИМЛАРИ КЕНГАШИ

Яқинда Тошкент область партия комитетида халқ маорифи ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда область хунар-техника билим юрларига ўқувчилар қабул қилиш планининг бажарилиши, умумий таълим мактабларининг янги ўқув йилига тайёзлиги ва ўқитувчиларнинг традицион август кенгашига ҳозирлик кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Область хунар-техника таълими бошқармасининг бошани В. П. Иванов, шаҳар хунар-техника таълими бошқармасининг бошани О. М. Битбеков ўртоқларнинг ахборотлари тинланди. Шу билан бирга Калинин район халқ маорифи бўлимининг мудирин М. Умаров, Янгйўл шаҳар маорифи бўлимининг мудирин И. Рихсбоев, Бўқа район халқ маорифи бўлимининг мудирин Р. Асқаров, Чирчақ шаҳар маорифи бўлимининг мудирин А. Гумовов ўртоқлар жойларда янги ўқув йилига қандай тайёргарлик қўришга зарур бўлиши ҳақида гапириб бердилар.

Хунар-техника билим юрлари ва умумий таълим мактаблари педагогика коллективлари партия ва совет органлари раҳбарлигида қатор ютуқларни қўлга киритдилар. Мактаблар ва хунар-техника билим юрларининг янги ўқув йилига тайёргарлик жозасидан аниқгина ишлар қилинди. Деярли барча билим юрлари ва мактаблар сифатли ремонтдан чиқарилди, ўқув устхоналари намунали жиҳозланди, кабинет ва кутубхоналар тартибга келтирилди. 15 августдаёқ область мактаблари биринчи сентабрга тахт қилиб қўйилди.

Шу билан бирга хунар-техника билим юрларига ўқувчилар қабул қилиш борасида қатор илдий камчиликлар мавжуд эканлиги кўрсатиб ўтилди. Шу вадта қадар (Тошкент шаҳрини қўшиб ҳисоблаганда) область хунар-техника билим юрларига 80 процент ўқувчи қабул қилинган. Ийилиш қатнашчилари бу камчиликларни тезда бартараф этиш, янги ўқув йилини бекам-куф кутиб олишга сўз бердилар.

Кенгашда область партия комитетининг секретари ўртоқ А. М. Хўжаев нутқ сўзлади. Ўртоқ А. М. Хўжаев хунар-техника билим юрлари ва умумий таълим мактабларининг янги ўқув йилига тайёргарлик, ўқув-тарбия ишларини янада яхшилаш соҳасида қилинган лозим бўлган вазифалар ҳақида гапирди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ЙЎЛЛАР ЧОРЛАЙДИ

Тошкент, Самарқанд ва бошқа областларнинг санъат юр. хоналари ишчилари ва хизматчиларидан, шунингдек ялми ходимлардан иборат катта бир гуруҳа Миср Араб Республикаси бўйлаб саҳафга йўнал кетди. Улар Қоҳира, Искандария ва бошқа шаҳарларини кўридилар.

Август ойи Ўзбекистонлик туристларнинг ҳоржик мавсуми катларга энг кўп сафар қилиш йили бўлиб қолди. Ун етти тизна гуруҳа Болгария, Поляна, ГДР, Чехослования ва Руминияни бориб кўрди.

Ўзбекистон меҳнатчиларидан тўрт мингдан ортиқ, киши ўзининг меҳнат отуқаси вақтида чет мамлакатларга сафар қилди, бутун йил мобайнида эса туристик поездларда етти минг киши ёни бутлургидан минг киши кўп сафар қилди.

Ҳозир Хиндистонга ва Шри Ланкага, Европанинг атрофи бўйлаб, Ўрта денгиз бўйлаб мароқли сафарга тайёргарлик кўрилмоқда.

(ЎЗАТА).

САНЪАТШУНОСЛАР СОВҒАСИ

Республикамизнинг шонли тўйига санъатшунос олимларнинг ҳам тарафдорлари катта. Ҳозирнинг ўзида мўйлақам устозлар ҳаёти ва ижодига доир асарларнинг баъзилари босилиб чинди.

Ўзбекистон ССР халқ рассомлари Ч. Аҳмадов, О. Татевосиларнинг бир ижоди тахлил қилинган монографиялар ёзилди. Истеъдодли рассом Қ. Баширова бағишланган рисола чоп этилди.

«Ленин ва эстетика масалалари», «Ўзбекистон таъсирли санъатда тарихий-революцион мавзу», «Ўзбек таъсирли санъатда маншай жанг» деган ялмий ишлар илҳомига етди.

Дунё хабарлари

ГРЕЦИЯДАГИ АҲВОЛ

АФИНА, 21 август. (ТАСС). Бу ерда бош министр К. Караманлис, ташқи ишлар министри Г. Маурис, илдий муҳофаа министри Э. Авероф шунинг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш тамом бўлгандан кейин ҳукумат номидан қилинган қисқача баёнотда айтилганича, шу кенгашда Кипрдаги аҳоли, шунингдек бу масала ҳусусида Греция ҳукуматининг амалга ошириши мумкин бўлган ишлари муҳокама қилинди.

Ҳукуматнинг НАТО ҳарбий

ташқилотидан чиқиб кетиш тўғрисидаги қарорини қўйлаб қўйишдан юзасидан бутун мамлакатда аҳолининг намоийшлари ва митингларини давом этмоқда. Кенгашда шунинг марказий майдонида тўланган 10 мингта янги аҳоли «Нүфуси НАТО» деган сўзларни бир овоздан тақрирладилар.

НАТО ва Америкага қарши намоийшлар тўғрисида НАТО мажлис полигонини ва Америка ҳарбий базалари жойлашган

Крит оролини ҳам қамраб олди. Орол аҳолиси АҚШ ҳарбий денгиз базаси дарвозаси олдида доимий пикет қўйиб, Америка ва НАТО ҳарбий хизматчиларининг мамлакат териториясидан чиқиб кетишини талаб қилмоқдалар.

НАТОнинг Кипр масаласида тутган сисбатига қарши порозлик юзасидан бутун Праллиондаги Америка ҳарбий ҳаво базасида ишлатилган грек трий, данлари 24 соатлик забастовка эълон қилдилар.

МАМАЛАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

Н. ЧАУШЕСКУ НУТҚИ

БУХАРЕСТ, 21 август. (ТАСС). Бу ерда Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси президенти Н. Чаушескунинг кеча мамлакат ҳарбий академияси ва ҳарбий мактабларини битириб чиқилишига навобатдаги маросимга бағишлаб Бухарестда ўтказилган митингда сўзларни қўйиб эълон қилди.

Н. Чаушеску Руминиянинг фашистлар асортидан озод этилганини тарихига тўхталиб, шавкатли Совет Армияси аҳолига гаалабга эришганини ва уруш машаққатларини ўз елкасига олиб, гитлерчилар ҳарбий машинасига қақшатқич зарба берганини эътирф қилди.

Нутда румин халқининг социалистик қурилишда эришган муваффақиятлари эътирф қилинди. Руминия Коммунистик партияси, РСР ҳукумати, деди Н. Чаушеску, социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун курашиб келди ва тобора ривожлантириш учун ҳаминша ҳаракат қилди.

ҲУКУМАТ МАЖЛИСИ

территория билан муносабатларни координациялаш министри ва илдий муҳофаа министри ахборот бердилар.

Ҳокимиятнинг суиестемол қилиш ва кинояларини текшириш юзасидан илдий комиссия тўғрисида қарор қилинди.

Португалия ҳукумати бошли.

ТЕЛЕТАИП КЕНТАСИДАН

ги ҳукумат коалициясига қўйилган сийсий партияларнинг вакиллари билан маслаҳатлашуларини бошлади. Шу маслаҳатлашу давомида мамлакатдаги ҳозирги вазиятга доир проблемалар ҳусусида фикрлашиб олинди.

▲ ВАРШАВА, Гдаьск кесмасолик қорхонасида Совет Иттифоқининг буржмузаси билан қурилатган янги кема сувга туширилди. Бу—озқ-овқат маҳсулотларини ташин учун мустахширланган ва 5,5 минг тонна юк орта оладиган рефрижератор кемасидир. Янги кема «Василий Фесников» ноини берилади.

▲ ПРАГА, Чехословакияда ҳосил йилми-термин ниятсизга етай деб қолди. Яқинда рўй берган дўл аралаш қаттиқ бў

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

БИРИНЧИ ПРОГРАММА, 9.55

ТОШКЕНТ, 10.00 — Янгиликлар, 10.10 — Мультифильм, 10.20 — «Экран хандаси», 11.00 — МОСКВА, 17.35 — ТОШКЕНТ, 17.30 — Ўқувчилар учун эштитириш, 18.10 — АХБОРОТ, 18.25 — МОСКВА, 19.20 — ТОШКЕНТ, «Веш йиллик зарбдорлари», 19.45 — АХБОРОТ, 20.05 — Концерт, 21.00 — МОСКВА, «Хонкей, Европа чемпионлари кубогини учун, Финал, ЦСКА — «Брюнес» (Швейцария), 24.00 — «ВАҚТ», НК, КИНОЧ ПРОГРАММА, 10.00 — ТОШКЕНТ, Мультифильм, 10.30 — Ўқувчилар бригадаларида, 10.50 — Фильм-концерт, 11.10 — «Питер-кўзгадиги ҳаёт», 12.10 — «Питер-бур билан видеошув» (бадий фильм), 17.25 — МОСКВА, 18.25 — ТОШКЕНТ, «Заъданас» программа, еш, 19.20 — МОСКВА, 21.00 — ТОШКЕНТ, «Комсомол ташкилот ва социалистик мусобақа», 21.30 — «Бой ила хизматчи» (бадий фильм) 22.50 — Концерт, 23.35 Хужаватли кино экранни, УЧИНЧИ ПРОГРАММА, 16.30 — ДУШАНБА КўРСАТУВЛАРИ,

КИНО

ЛЕВИЗОН ФЕСТИВАЛИ, 22.00 — «ВАҚТ», 22.30 — Пахтакорлар учун эштитириш, 22.45 — Бедия лириясини, ИККИНЧИ ПРОГРАММА, 10.00 — ТОШКЕНТ, Хужаватли фильм, 10.50 — Кино, 11.55 — «Бир-бирилар орасидан» (телефильм), 12.45 — Фильм-концерт, 13.15 — «Мангу ёшлик», (бадий фильм), 16.20 — МОСКВА, 17.45 — ТОШКЕНТ, Киноэкрани янгиликлари, 18.15—МОСКВА, 22.00 — Хужаватли кино экранни, 22.30 — МОСКВА, УЧИНЧИ ПРОГРАММА, 18.15 — ФРУНЗЕ КУРСАТУВЛАРИ,

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24[VI] да Анда, 25[VI] да Сеги тумори,

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24[VI] да Уғриланган умр, 25[VI] да Олтин девор..

КИНО

КИШИКИ ВИНОВА
Макиннинг олтинлари — «КОМСОМОЛ — 30 йиллиги», «СПУТНИК», (кудуз ва кечурун)
Оналохона — САНЪАТ САРОНИ (кудуз ва кечурун).
Алдамгил, азизини — «ВОС-ТОК» (кудуз ва кечурун).
Қайтми йўқ (10.30, 12.00, Му. сиз садолари (14.00, 21.00).
Сеги ва кўз ёши: Бахт билан учрашув (17.30), «МОСКВА».

ЭЗГИ БИНОДА
Ферран сиз ҳамма гални айтмаб, сиз — «ФЕСТИВАЛЬ».

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орған Ташкентского обкома КП Ўзбекистана в обанисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар — 338142, коммулятор — 330249 дав 330258 гача